

УУК: 6Т12.15.7:334.75(575.1)



<https://dx.doi.org/10.36522/2181-9637-2019-5-3>

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКЛАРИ ЭКСПОРТИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДАГИ ТИЗИМЛИ МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Мамасоатов Дилшод Равшанович

кичик илмий ходим, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» Илмий тадқиқот маркази

Аннотация. Уибу мақолада республикамизда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари экспортида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишдаги тизимли муаммолар батафсил ўрганилган. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари экспорини қўллаб-қувватлаши учун ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишини таомиллаштириши жараёнлари бўйича хориж ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг тадқиқотлари ҳам ўрганилган ҳолда республика миқёсидаги тадбиркорлик субъектлари экспорти ҳолати ва дунё миқёсидаги «Doing Business 2018» глобал халқаро рейтинги индексларига асосланиб таҳлил қилиши натижасида мавжуд муаммолар аниқланган. Шунингдек, ҳудудлардаги тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятидаги муаммоларни батафсил ўрганиши натижасида, умарни бартараф этиши йўллари билан биргаликда тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини янада кенгайтириши, маҳаллий шилаб чиқарувчилар, шу жумладан, маҳсулотларини ташки бозорларга олиб чиқиши ва экспортга чиқаршида зарур бўладиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиши бўйича шарт-шароитлар яратшида қўлланилиши зарур бўлган аниқ таклифлар батафсил келтириб ўтилган.

Таянч тушунчалар: тадбиркорлик субъектлари, ахборот-коммуникация технологиялари, ягона интерактив давлат хизматлари, экспорт, онлайн интерактив хизматлар, консалтинг хизматлар.

ПУТИ ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ СИСТЕМНЫХ ПРОБЛЕМ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ СУБЪЕКТАМИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА ПРИ ЭКСПОРТЕ

Мамасоатов Дилшод Равшанович

младший научный сотрудник, Научно-исследовательский центр «Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана» при Ташкентском государственном экономическом университете

Аннотация. В данной статье подробно рассмотрены системные проблемы использования информационно – коммуникационных технологий при экспорте действующими в республике субъектами предпринимательства. Изучение исследований зарубежных и отечественных ученых-экономистов по вопросам совершенствования использования информационно-коммуникационных технологий для поддержки экспорта субъектов предпринимательства, а также анализ состояния экспорта субъектов предпринимательства на республиканском уровне и глобальных индексов международного рейтинга «Doing Business 2018» выявили имеющиеся проблемы в этом направлении. В результате детального изучения проблем, связанных с деятельностью субъектов предпринимательства в регионах, путей их устранения, наряду с дальнейшим расширением экспортной деятельности субъектов предпринимательства, детально изложены конкретные предложения, которые необходимо применить в заключительной части при создании условий по использованию информационно-коммуникационных технологий, необходимых для продвижения продукции местных производителей, в том числе на внешние рынки, и роста экспорта.

Ключевые слова: субъекты предпринимательства, информационно-коммуникационные технологии, единые интерактивные государственные услуги, экспорт, онлайн-интерактивные услуги, консалтинговые услуги.

WAYS TO PREVENT SYSTEMIC PROBLEMS OF USING INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES BY BUSINESS ENTITIES UPON EXPORT

Mamasoatov Dilshod Ravshanovich

Junior researcher , Research center «Scientific Bases and problems of Economic Development of Uzbekistan» at Tashkent State University of Economics

Annotation. *The article describes in detail the systemic problems of using information and communication technologies in the export of business entities operating in the republic. Based on the researches of foreign and domestic scientists-economists on the processes of improvement of the use of information and communication technologies to support the export of business entities, the analysis of the state of export of business entities at the republican level and global indexes of the international rating of Doing Business 2018 revealed some problems. As a result of the study of the problems related to the activities of business entities in regions, along with further expansion of export activities of business entities, specific proposals have been recommended to be applied in the final part when creating the conditions for the use of information and communication technologies, necessary for promoting the products of local manufacturers, including foreign markets, and export.*

Key words: business entities, information and communication technologies, unified interactive public services, export, online interactive services, consulting services.

Кириш

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) субъектларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, уларга хорижий мамлакатлар бозорларида рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ва уни экспортга чиқаришда зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш, экспорт қилувчи тадбиркорларни ташки бозор конъюнктураси ўзгаришлари хавф-хатарларидан ишончли ҳимоя қилишни тақозо этади. Бу, ўз навбатида, бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Шуни ҳисобга олиб, тадбиркорлик субъектлари учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, тадбиркорлик субъектлари экспортида ахборот-коммуникацион технологиялар (АКТ)дан фойдаланиш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш ҳамда экспортни ривожлантириш механизмларини жорий этиш борасида тизимли ишларни амалга ошириш зарурдир. Жумладан, 2017 йил 1 апрелдан бошлаб мамлакатимизда рўйхатга олиш тартиб-таомилларини 30 дақиқагача қисқартириш имконини берувчи тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг автоматлаштирилган тизимишнинг ишга туширилганлиги «Doing Business

2018» глобал рейтингидаги «Бизнесни рўйхатдан ўтказиш» кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон мавқенини 24-ўриндан 11-ўринга яхшилашга хизмат қилди [1].

Тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш йўналишлари ва аҳамиятининг айрим назарий жиҳатлари хориж иқтисодчи олимларидан кўпчилиги, хусусан Ж. Кейнс [2], Ф. Хайек [3], М.В. Мамут [4], Муҳаммад Юнус, Алан Жоли [5], Allen F., Gale D [6], Д. МакНотон [7] ва бошқаларнинг илмий ишларида атрофлича таҳдил қилинган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан С.С. Гуломов [8], Х. Мамедов [9], Ш. Шодмонов, Р. Алимов, Т. Жўраев [10], Д. Тожибоева [11], Қ.Н. Муродова [12] ва бошқаларнинг илмий ишларида иқтисодий ўсишга эришишдаги КБХТнинг айрим масалалари умумластирилган ҳолда таҳдил қилиниб, уни ривожлантиришнинг стратегик концепцияларини маҳаллий дастурлар асосида ишлаб чиқиши, ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал этиш йўллари умумий ҳолда ўрганилган. Шу билан бирга, олиб борилган тадқиқотларга кўра, тадбиркорлик субъектлари экспортида АКТдан фойдаланишдаги тизимли муаммоларни бартараф этиш натижасида КБХТ субъектларининг иқтисодий ўсишни таъмин-

лашдаги аҳамиятининг ортиши иқтисодий адабиётларда чукур ўрганилмаганлиги танланган мавзумизнинг долзарбилигига асос бўлади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида мавзуга оид статистик маълумотлар ва назарияларни ўрганишда илмий мушоҳада, тизими ёндашув, статистик ҳамда қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари экспортида АҚТдан фойдаланишдаги тизими муаммоларни бартараф этишда хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиши ҳам катта самара бериши келтириб ўтилган.

Таҳлил ва тадқиқот натижалари

Тадбиркорлик субъектларининг экспорт жараёнида АҚТга бўлган эҳтиёжларининг таҳлили натижасида айрим тизими муаммолар аниқланди. Хусусан:

- республикадан хориждаги мижозларнинг буюртмаларини электрон шаклда қабул қилишда;
- ҳудудлараро ҳужжатлар алмасиниши жараёнида;
- АҚТни қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган сервис компаниялар йўқлиги;
- «ягона дарча» тамоилии бўйича давлат хизматлари кўрсатиш имкониятидан тадбиркорлик субъектлари фойдаланиши мумкин, лекин экспортни амалга оширишда АҚТдан фойдаланиш бўйича муаммолар мавжуд.

Хукуматимиз томонидан мазкур муаммоларни бартараф этиш учун қўйидаги чоралар кўриляпти. Жумладан, Давлат хизматлари марказлари ташкил этилиб, хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик субъектларига кўмак бериляпти. Мазкур марказлар ишини такомиллаштириш орқали тадбиркорлар томонидан ҳужжатлар ва ахборотларни бошқа тузилмалардан мустақил равишда олиши ҳисобига соддалаштиришни назарда тутувчи маъмурӣ регламентларни тасдиқлаш, шунингдек, хизматлар кўрсатиш соҳасига АҚТни жадал жорий этиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг маълумотлар базаларини идоралараро электрон ҳамкорликнинг ягона тизимига интеграция қилиш, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали томонидан давлат хизматлари кўрсатиш амалиётини кенгайтириш орқали ривожлантирилади. Шунингдек, ҳудудларда


мазкур соҳада бирократия ва коррупция юзага келишини бартараф этишга қаратилган бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими ва хизматлар кўрсатишнинг сифати, тезкорлигини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг илгор механизмлари жорий этилмоқда [13].

Шунга қарамай, бугунги кунда ҳудудларда компьютер технологияларининг етарли эмаслиги ҳамда улардан фойдаланиш учун асосий билим ва кўнкималарнинг йўқлиги АҚТ тизими муваффақиятли фаолият кўрсатиши йўлидаги жиiddий тўсиқлардан бири ҳисобланади. Бу муаммоларни бартараф этиш учун, авваламбор:

- интернетга кириш қийматини пасайтириш ва ахборот технологияларига ўқитишни ташкил этиш;
- ҳудудларда интернетдан жамоа бўлиб фойдаланиш пунктлари (интернет-киоскалар)ни ташкил этиш зарур. Ушбу амалиёт Эстония, Сингапур сингари мамлакатларда муваффақиятли қўлланилмоқда. Жамоа бўлиб фойдаланиш шахобчалари кутубхоналарда ёки почта бўлимларида жиҳозланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2018 йилнинг II чорагидан бошлаб иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг жорий иқтисодий ҳолати ва истиқболдаги кутилмаларини ўрганиш юзасидан даврий (чораклик) сўров ўтказиш йўлга кўйилди. Натижада реал сектор корхоналари кузатувининг 2018 йилнинг IV чорак якунлари бўйича экспорт ҳажмининг ўсишига тўсқинлик қилаётган омиллар ўрганилди. Сўров натижалари ташки бозорларда талабнинг пастлиги, ички транспорт харажатларининг юқорилиги ҳамда маҳсулотлар (иш, хизматлар)ни экспорт қилиш тартиб-тамоилларининг мураккаблиги билан боғлиқ ҳолатнинг нисбатан ёмонлашганлигини кўрсатмоқда (расм).

Хусусан, экспорт ҳажмининг ўсишига тўсқинлик қилаётган омил сифатида ташки бозорларда маҳсулотга талабнинг пастлигини маълум қилган респондентларнинг улуши III чоракдаги 17 фоиздан IV чорақда 24 фоизгача ҳамда экспорт қилиш тартиб-тамоилларининг мураккаблигини маълум қилган респондентлар улуши 14 фоиздан 16 фоизгача ошган (1-расм).



Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Иқтисодиёт реал сектори корхоналари билан ўтказилган сўров натижалари» 2018 йил IV чорак, 2019 йил.

Расм. Экспорт ҳажмининг ўсишига тўсқинлик қилаётган омиллар бўйича жавобларнинг тақсимланиши

Шу билан бирга, экспорт ҳажмининг ўсишига тўсқинлик қилаётган омил сифатида транспорт харажатларининг юқорилигини ҳамда ташки бозор конъюнктураси бўйича маълумотларнинг етарли эмаслигини кўрсатган респондентлар сони III чоракка нисбатан камайган [14].

Шунингдек, экспорт жараёнлари учун зарур бўлган божхона тўсиқларини давлат то-

монидан тартибга солиш тадбиркорлик субъектлари экспортини ривожлантириш учун сезиларли қийинчиликлар туғдиради: экспорт қиймати юқори бўлиб, товарларни расмийлаштириш узоқ вақт олади, бу борада ривожланган мамлакатлар билан солиштирганимизда муаммоларни яққол кўришимиз мумкин (қаранг: жадвал).

Жадвал

Экспорт жараёнлари бўйича мамлакатларнинг даражалари (2018 йил)

Мамлакатлар	Экспортдаги улуши	Экспорт қиймати (АҚШ доллари 1 йил TEUга)**	Экспорт жараёнлари давомийлиги, кун**
Япония	53%	829	11
Хитой	42%	823	21
Буюк Британия	34%	1005	8
АҚШ	%	1224	6
Канада	33%	1680	8
Ўзбекистон	27%	5090	54
Малайзия	19%	525	11
Жанубий Корея	19%	670	8
Австралия	5%	1200	9

Эслатма: * Очиқ манбалардан олинган сўнгги фойдаланиш имкони бор даври (2015–2017 йиллар) маълумотлари;

** охирги фойдаланиш имкони бор давр учун маълумот – 2014 й.

Шунингдек, тадбиркорлар ҳанузгача турли давлат органларида ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича мураккаб тартиб-таомиллардан ўзлари ўтишга мажбур бўлаётганликлари ҳам аниқланди:

- қатор давлат органларида ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базалининг мавжуд эмаслиги, улар идоралараро интеграция қилинишининг паст даражада эканлиги жисмоний ва юридик шахслар томонидан барча давлат хизматлари мажмуасидан қулай ва ўз вақтида фойдаланишни таъминла-маяпти;

- аксарият давлат хизматларини кўрсатишнинг тартиб-таомиллари мураккаб бўлиб, фойдаланишда қийинчлик туғдиради, шунингдек, нархни шакллантириш механизмила-ри шаффоф эмас, алоҳида ҳолларда тор идоравий манфаатларда «монопол» хизматлар кўрсатишга талаблар белгиланмоқда;

- АКТ жорий этилишининг паст даражада эканлиги, қоғоз ҳужжатлар айланмасининг сақланиб қолган андозалари асоссиз молиявий харажатларга, фуқаролар кўп вақт кутиб қолиши ва навбатлар юзага келишига ҳамда оқибатда, айрим ҳолларда коррупция ва бюро-рократия ҳолатларига олиб келмоқда;

- давлат хизматлари кўрсатишни, шу жумладан реал вақт режимида масофадан мониторинг қилиш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш орқали назорат қилиш ва сифатини баҳолашнинг таъсирчан тизими мавжуд эмас [13].

Юқорида қайд этилган омиллар тадбиркорлик субъектларининг давлат хизматларидан кенг фойдаланишини таъминлаш, уларни кўрсатиш билан боғлиқ вақт ва молиявий харажатларни камайтириш, аҳолининг давлат органлари фаолиятидан қаноатланганлик да-ражасини ошириш имконини бермайди.

Хуоса ва таклифлар

Тадбиркорлик субъектлари экспортни амалга оширишда АКТнинг имкониятларини ва хокимият тузилмалари, тадбиркор ва ис-

теъмолчи ўртасидаги муносабатларнинг янги типини йўлга қўйиш учун уларни қўллашнинг мұҳимлигини англаб етишлари зарур.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектлари экспортида АКТдан фойдаланишда қўйидаги таклифлар берилади:

- жаҳон бозори талабларидан келиб чиқсан ҳолда тадбиркорлик субъектлари экспортини амалга ошириш учун сугурта хизматларини АКТлар ёрдамида расмийлаштиришнинг электрон тизимини амалга ошириш;

- экспортни амалга ошириш жараёнида баҳтсиз йўл ҳодисаси рўй берган ҳолда масофадан туриб, ушбу ҳолатга баҳо беришда АКТ имкониятларидан кенг фойдаланиш;

- республикадан хориждаги мижозларнинг буюртмаларни электрон шаклда қабул қилиш;

- қисқа вақт мобайнида тадбиркорлик субъектларининг ҳудудлараро ҳужжатлар алмашинишини камайтириш;

- тадбиркорлик субъектлари АКТдан асосан ҳисоб-китоб операциялари ва бухгалтерия ҳисоботларини юритишини автоматлаштириш учун фойдаланишади. Уларнинг бошқа турдаги фаолиятларига ҳам АКТни кенг жорий қилиш;

- тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятидаги мақсадларини ҳамма вақт ҳам аниқ қўёлмасликлари туфайли консалинг хизматларини ривожлантириш зарур;

- экспорт самарадорлигининг пастлиги, реал ҳолат ва риск омилларини инобатга олмай туриб, асоссиз қарорларни қабул қилишни бартараф этиш;

- экспорт жараёни учун онлайн интерактив хизматларни ривожлантириш.

Шунингдек, АКТ асосида самарали тизими яратиш ва жорий қилиш тадбиркорлик субъектлари муаммоларини муваффақиятли ҳал қилиш, ишлар сифатини ошириш ва ушбу соҳани ривожлантиришнинг асосий омиларидан ҳисобланади.

Манба ва адабиётлар

1. *www.doingbusiness.org* – Жаҳон банки гуруҳининг тадбиркорлик мұхитини яхшилаш бүйича рейтинги.
 2. Кейнс Ж. *Обиғая теория занятости, процента и денег.* – М.: Экономика, 1948. – С. 238-241.
 3. Хайек Фон А. *Дорога к рассвету* – М.: Экономика, 1992. – 91с.
 4. Мамут М.В. *Микрофинансирование: новые возможности финансово-кредитной системы* // Банковское дело. – Москва, 2009. – № 4. – С. 96-99.
 5. Мухаммад Юнус, Алан Жоли. *Создавая мир без бедности: социальный бизнес и будущее капитализма.* Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишерз, 2010. – 307 с.
 6. Allen F., Gale D. *Comparing Financial Systems.* – Cambridge, Mass: MIT Press, 2000. – Р. 42.
 - Chanel-Reynaud G., Bloy E. *La Banque et les PME.* – Presses Universitaires de Lyon, 2001. – Р. 39-40.
 7. Мак Нотон Д. *Банковские учреждения в развивающихся странах.* Том 1. Пер. с англ. – Вашингтон Д.С.: ИЭР, 1994. – С. 123-124.
 8. Гуломов С.С. *Тадбиркорлик ва кичик бизнес.* – Т.: Шарқ, 2002. – Б. 8.
 9. Х.Мамедов. *Иқтисодиёт назарияси. II Том* – Т.: Фан ва технология, 2018. – Б. 237-248.
 10. Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. *Иқтисодиёт назарияси.* – Т.: Молия, 2002. – Б. 183-186.
 11. Тожибоева Д. *Иқтисодиёт назарияси.* – Т.: Ўқитувчи, 2002. – 177 б.
 12. Муродова Н.К. *Кичик бизнес субъектларининг тадбиркорлик фаолиятини ошириш йўналишилари.* – Т.: ЎзМУ, 2008. – 151 б.
 13. Ш.М.Мирзиёев. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиши чора-тадбирлари тўгрисида»ги ПФ-5278-сон Фармони.* – Тошкент ш., 2017 йил 12 декабрь. www.lex.uz.
 14. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Иқтисодиёт реал сектори корхоналари билан ўтказилган сўров натижалари»* 2018 йил IV чорак. 2019 йил.
-

Тақризчи:

Мамедов Х.М., и.ф.д., профессор, «Ижтимоий фанлар» кафедраси,
Тошкент фармацевтика институти